

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 41+4+645.5

ОЛАМ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ВЗГЛЯДОВ НА ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЫ МИРА

ANALYSIS OF VIEWS ON THE LINGUISTIC PICTURE OF THE WORLD

3. Акбарова

Аннотация

Мақолада олам лисоний манзарасининг тилшуносликдаги таҳлили ва «Олам манзараси» тушунчасининг умумий талқини келтирилган. Шунингдек, ОЛМ турли тиллардаги мутаносиблиги, ўзбек тилшунослигига кириб келиши, лингвистик нисбийлик, ОЛМ га лингвокультурологиянинг таъсири ҳамда ОЛМ тушунчасининг бир неча функциялари ўрганилган.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы анализа языковой картины мира в лингвистике, общее толкование понятия «картина мира», соотношение языковой картины мира в разных языках, его вхождение в узбекское языкознание, лингвистическая относительность, воздействие лингвокультурологии на языковую картину мира, а также изучен ряд функций понятия языковая картина мира.

Annotation

The article highlights a linguo-analysis of the landscape of linguistic world and a general interpretation of the concept of "world landscape". Moreover, the compatibility of LLM in different languages, its penetration into Uzbek linguistics, linguistic relativity, the impact of linguoculturology on LLM and several functions of the concept of LLM are discussed.

Таянч сўз ва иборалар: тилшунослик, олам лисоний манзараси, олам манзараси, лингвистик нисбийлик, лингвокультурология, лингвистик семантика, семантик, вакиллик, ижтимоий функция.

Ключевые слова и выражения: языкознание, языковая картина мира, картина мира, лингвистическая относительность, лингвокультурология, лингвистическая семантика, семантическое представление, социальная функция.

Keywords and expressions: linguistics, linguistic landscape of the world, worldview, linguistic relativity, linguoculturology, linguistic semantics, semantic representation, social function.

Оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) атамаси кейинги давр тилшунослигида жуда кенг тарқалган бўлса-да, ҳаммага маъқул тавсифи йўқ. ОЛМ умумтил ва унинг индивидуал кўринишлари учун фарқланадими, фарқланса, қандай фарқланади, турли тилларда ОЛМнинг мутаносиблиги қай даражада? ОЛМ жуда мураккаб тизимдир: «Сўзсиз, ҳар қандай лисоний қурилма ҳосил бўлишининг дастлабки босқичи идрок этилаётган воқеликнинг онгдаги инъикоси, юзага келиши ва унинг тафаккурда ҳазму таҳлил қилиниши натижасида ҳосил бўладиган концептнинг туғилишидир, кейинги яъни лисоний воқеланиш босқичи эса турли хил амаллардан иборат бўлиб, бу амаллар тил тизими хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Тажриба кўрсатадики, лисоний фаолиятни таъминловчи тамойиллар бошқа турдаги фаолият доирасида мавжуд бўлган тамойиллардан тубдан фарқ қилади. Бинобарин, бу тамойиллар бизнинг кўриш, мушиқий ва санъаткорлик қобилиятимиздан, мантиқий ва математик иқтидоримиздан фарқ

қилади. Демак, инсон онгини бутунлай бир яхлит тизимдан кўра кўпроқ кичик тизимлар «ҳамкорлиги» сифатида қараш маъқулроқдир, лекин бу кичик (микро) тизимлар, қанчалик мустақил ҳаракатда бўлишмасин, барибир ушбу ҳаракатлар бир-бири билан муносабатда, алоқадорликда кечадилар» [1,29]

ОЛМ катта бир тизим бўлиб, унинг кичик тизим кўринишидаги таркибий тизимлари ҳам мавжуд. Ушбу кичик тизимларни манзарага нисбат бериб лавҳалар деб атасак, концептлар уларнинг қурилиш материалларидир.

ОЛМ тушунчаси ўзбек тилшунослигига рус тилшунослиги орқали кириб келди.

«Олам манзараси» атамаси турли фанларда кенг тарқалган бўлиб, унинг кўлами фақат тилшунослик билан чегараланмаган. Ушбу атама биринчи марта физика фанида қўлланила бошлаган эди: Г.Герц дунёнинг физик манзарасини «ташқи нарсаларнинг ички тасвирлари тўплами», улардан мантиқий равишда бу нарсаларнинг ҳаракати тўғрисида маълумот олиш мумкин деб ҳисоблаган Г.Герцнинг фикрига кўра, ташқи нарсаларнинг тадқиқотчилар

3. Акбарова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

ТИЛШУНОСЛИК

томонидан яратилган ички тасвирлари ёки рамзлари шу ғояларнинг зарурий мантиқий оқибатлари, ўз навбатида, намойиш қилинадиган нарсаларнинг табиий зарурий оқибатлари тасвири бўлиши керак [2,12].

"Оламнинг манзараси" атамасидан физик Макс Планк ҳам фойдаланган, унинг тадқиқотида дунёнинг жисмоний манзараси физик томондан шаклланган ва табиатнинг ҳақиқий қонунларини акс эттирувчи "олам манзараси"дир. Биринчиси билан, у одамнинг дунё ҳақида яхлит нуқтаи назарини англатади, аста-секин ўз тажрибаси асосида ривожлантириб боради. У дунёнинг илмий манзарасини мутлақ маънода, одамлардан ва бутун инсоний фикрлашдан мустақил равишда ҳақиқий олам намунаси сифатида изоҳлади [3,13].

"Ушбу атамани талқин қилишда қуйидаги жиҳатларни ёдда тутиш керак:

- Олам манзараси икки қутб ўртасида: фан ва дунёқараш ёки фан ва фалсафа;

- Олам манзараси – бу ижтимоий амалиёт турини ўзида мужассам этган дунёқараш;

- Олам манзараси фалсафий акс эттиришнинг бир тури;

- Олам манзараси бу илмий билимларнинг ўзига хос тури" [4].

"Олам манзараси" тушунчасининг умумий талқини бизга оламнинг лисоний манзараси тушунчасига ўтишга имкон беради, чунки тил олам манзараси билан боғлиқ икки жараёнда бевосита иштирок этади.

Биринчидан, унинг тубида инсон дунёсининг энг чуқур қатламларидан бири бўлган оламнинг лисоний манзараси шаклланади. Иккинчидан, тилнинг ўзи инсон дунёсининг бошқа тасвирларини ифодалайди ва уларни тушунтиради, улар ижтимоий луғат орқали тилга кириб, инсоннинг ўзига хос хусусиятларини, маданиятини таништиради. Тил ёрдамида алоҳида шахслар томонидан олинган тажрибавий билимлар жамоавий мулкка, жамоавий тажрибага айланади" [5,78].

"Оламнинг лисоний манзараси" атамаси биринчи бўлиб - "тарихий равишда маълум бир лингвистик жамоанинг кундалик онгида шаклланган ва тилда дунё ҳақидаги ғоялар тўплами, концептуал воқеликнинг маълум бир усули" сифатида Л.Вайсгербер томонидан киритилган [6.22]. Бироқ, оламнинг лисоний манзараси тушунчаси, тилларнинг ўзига хос (полисинтетик) турининг дастлабки тадқиқотчиси бўлган Вильгелм фон Гумбольдтнинг фикрларига бориб тақалади, улар кузатиш фикрлаш тилини аниқлаш

бўйича асосий постулатларни шакллантиришга олиб келди: 1) моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашган; 2) ҳар бир маданият миллий, унинг миллий характери дунёга алоҳида қараш орқали тилда ифодаланган; тил ҳар бир миллат учун ўзига хос ички шаклга (ИШ) эга; 3) тилнинг ички шакли бу - "миллий рух"нинг ифодаси, унинг маданияти; 4) тил – бу инсон ва унинг атрофидаги дунё ўртасида воситачи риштадир. Олим ўз концепциясида "ҳар хил тиллар бир хил нарсанинг турли хил ифодаланишида эмас, балки турли хил кўришларида" эканлигини таъкидлади [7.312]. XIX аср охири - XX асрда оламнинг лисоний манзарасини тилни маданият билан ўзаро муносабатда ўрганадиган тилшунослик соҳаси - этнолингвистиканинг калити бўлган нисбийлик концепцияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш шаклланди.

Нисбийлик доктринаси ("релятивизм") ҳақиқатни ҳиссий идрок этиш инсоннинг ақлий тасаввурлари билан белгиланади. Ақлий тасаввурлар ўз навбатида, тил ва маданий тизимлар таъсирида ўзгариши мумкин. Тил эгаларининг муайян бир тил, кенг маънода, муайян бир маданият доирасида тўпланганлиги сабабли турли тилларда сўзлашувчиларнинг ақлий тасаввурлари бир-бирларига тўғри келмаслиги мумкин [8,21].

Бошқача қилиб айтганда, лингвистик нисбийлик – бу тил эгасининг "олам манзараси" хусусидаги тасавури (сўзловчи тафаккури қандай қабул қилиши) нафақат атрофдаги воқеликка, балки тилнинг ўзига хос грамматикаси ва лексикаси билан боғлиқ таснифлаш тармоғига ҳам боғлиқ деган фикр сўзловчини боғлаб туради [9,3].

Лингвистик нисбийлик ғоялари Франц Боас ва унинг шогирдлари Э.Сепир ва Б.Уорф асарларида ривожлантирилди. Лисоний механизмларнинг онгсиз табиатини таъкидлаб, Воас тилда мустаҳкамланган тасаввурлардаги тафовут тил эгаларининг кўп ёки кам ривожланганлигини англатмаслигини таъкидлади. Воаснинг ва кейинчалик унинг шогирдлари лингвистик релятивизми биологик тенглик натижаси ўлароқ тил ва ақлий қобилиятларнинг тенглиги ғоясига асосланган эди [10,23].

Франц Воас, Э.Сепир ва Уорфнинг издошлари Сепир-Уорф гипотезаси деб аталадиган лингвистик нисбийлик гипотезасини ишлаб чиқдилар.

Ушбу гипотезанинг асоси – одамлар дунёни она тили призмаси орқали бошқача кўрадилар. "Ўз тарафдорлари учун ҳақиқий

дунё тилда акс эттирилганидек мавжуддир. Сепир-Уорф гипотезасида қуйидаги асосий фикрлар ажратиб кўрсатилади: 1. Тил унда сўзловчиларнинг фикрлаш тарзини белгилайди. 2. Дунёни ҳақиқий билиш усули субъектни англовчиларнинг қайси тилда фикрлашига боғлиқ [11,15]. “Биз табиатни тилимиз таклиф этган йўналиш бўйича ажратамиз. Ҳодисалар оламидаги айрим тоифалар ва турларни улар ўз-ўзидан равшан бўлганлиги учунгина фарқламаймиз, аксинча ва бу асосан, дунё бизнинг онгимизда сақланадиган тил тизими орқали юзага келадиган таассуротларнинг калейдоскопик оқими сифатида намоён бўлади. Биз дунёни тушунчаларга ажратамиз ва маъноларни шу тарзда англаймиз ва бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки, асосан, биз бундай тизимлаштиришни назарда тутувчи келишув тарафдорлари бўлганимиз учун шундай. Ушбу шартнома маълум бир тил гуруҳи учун амал қилади ва бизнинг тилимиз моделлари тизимида қайд этилган бўлади [12,15].

Аммо, бу гипотеза дунёнинг лисоний манзарасини ўрганишга бебаҳо ҳисса қўшганига қарамай, бугунги кунда у фақат фараз бўлиб қолмоқда ва кўплаб замонавий олимлар томонидан бир хилда баҳоланмаяпти. Масалан, Б.А.Серебрянников Сепир-Уорф тезисларини кескин танқид қилиб, “тушунчалар манбаи дунё объектлари ва ҳодисаларидир. Ҳар қандай тил генезиси, бу - дунёни яратадиган, ўз-ўзини таъминлайдиган куч эмас, балки инсон атрофидаги дунёни акс эттириши натижасидир”, - дея таъкидлайди [13,315].

Ва ниҳоят, XX асрнинг 90-йилларида тилшунослиқда мустақил йўналиш – лингвокультурология пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда оламнинг лисоний манзарасига янгича қараш шаклланди. Бугунги кунда лингвокультурология “тилшунослик ва маданиятшунослик чорраҳасида пайдо бўлган ва халқ маданиятининг намоён бўлишини ўрганадиган, тилда акс эттирилган ва тилга кирган бир соҳаси” деб таърифланади. Маълумки, инсон болалигиданоқ, тил ўрганиш баробарида ўз халқи маданиятини ҳам ўрганади. Халқ маданиятининг барча ўзига хос ва ноёб жозибалари унинг тилида акс этадики, у дунёни ва ундаги одамни ўзгача акс эттиради. [14,26]. Ушбу фикр лингвокультурологияда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тил ва маданиятни кўриб чиқишда янгича ёндашувни белгилайди.

“Ушбу ёндашув, асосан, рус файласуфлари – С.А.Атановский,

У.И.Кукушкин, Е.С.Маркарян томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу ёндашувнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси бир томонлама ҳаракат; чунки тил воқеликни акс эттиради, маданият эса одам дуч келадиган бу воқеликнинг ажралмас қисмидир, тил маданиятнинг оддий аксидир [15,59]. Шундай қилиб, В.А.Маслованинг таъкидлашича, “ҳар бир тил ташувчиси она тилида сўзлашувчи бўлганлиги сабабли, тил белгилари маданий белгилар функциясини бажариш қобилиятига эга бўлади ва шу билан маданиятнинг асосий параметрларини намоиш қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, айнан, тил ўз сўзловчиларининг маданий ва миллий менталитетини акс эттира олади” [16,59].

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини, хусусан, оламнинг лисоний манзарасини ўрганишда икки асосий ёндашув мавжуд. Бир томондан, тилнинг маданиятга таъсири тўғрисида кўплаб далиллар мавжуд (В.Хумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, А.Потебня) Бошқа томондан, маданиятнинг тилга акс таъсири аниқ.

Тил - бу инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари шаклланиши ва мавжудлигининг энг муҳим воситасидир. Инсон ўз фаолияти жараёнида билиш натижаларини объектив дунёни акс эттирган ҳолда сўз билан белгилайди. Тил шаклида қамраб олинган ушбу билимларнинг умумийлиги “тилнинг оралиқ дунёси”, “дунёнинг лисоний вакили”, “дунёнинг лисоний модели”, “оламнинг лисоний манзараси” каби турли хил ифодалар орқали берилган” [17,18]. Биз эса энг оммалашган охириги атамани танлашга қарор қилдик.

“Оламнинг лисоний манзараси дунёнинг махсус тасвирлари (кимёвий, физик ва ҳоказолар) билан бир қаторда турмайди, бу уларни олдинроқ яратади ва шакллантиради, чунки инсон ҳам умуминсоний, ҳам миллий, ижтимоий-тарихий тажрибага асосланган тил туфайли дунёни ва ўзини англай олади. Ю.Д.Апресян олам лисоний манзарасининг илмий тушунчага қадар бўлган хусусиятига урғу бериб, уни содда тасвир деб атади. Оламнинг лисоний манзараси, кўпинча, уларни бузиб кўрсатиш орқали воқелик ҳақидаги объектив билимларни тўлдиради” [18,62].

О.В.Ртищева оламнинг лисоний ва илмий манзарасини таққослаб, унинг икки хил тасвири ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлайди: “Умумий белгилар: макон ва замоннинг умумий тузилиши; бир хил моддий объектлар дунёсининг акси; субъект ва билиш

ТИЛШУНОСЛИК

объекти ўртасида воситачи сифатида бир хил роль ўйнайди. Ўзига хос хусусиятлар турли хил универсалликларни ҳам ўз ичига олади, бу билим тарихида оламнинг илмий мазарасини ўзгартиришни ўз ичига олади. Оламнинг лисоний ва илмий тасвирларининг ўзаро боғлиқлиги метафора орқали маъноларни тилдан илмий тасвирга таржима қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин [19,13].

Шундай қилиб, қуйидаги фикрлар оламнинг лисоний манзараси концепциясининг асосий ғоялари қуйидагилар: 1) тил таклиф этадиган олам манзараси “илмий”дан фарқ қилиши (бу маънода “содда тасвир” атамаси ҳам ишлатилади) ва 2) ҳар бир тил ўз тасвирини чизиши, воқеликни бошқа тилларга нисбатан бир оз бошқача тарзда акс эттириши [20,18].

Лингвистик семантика оламнинг лисоний манзарасини икки йўналишда ўрганади. Бир томондан, “маълум бир тилнинг луғат бойлигини тизимли семантик таҳлил қилиш асосида, маълум бир тилда акс эттирилган барча ифодалаш тизими, аниқ бир тилга ёки универсалияга боғлиқлигидан қатъий назар, дунёнинг “содда” нуқтаи назарини акс эттирувчи “илмий”дан фарқли равишда қайта тикланади [21,10].

Бошқа томондан, “маълум бир тилга хос бўлган индивидуал (лингвистик ўзига хос) тушунчалар икки хусусият жиҳатидан ўрганилади: улар маълум маданият учун “калит” (уни тушуниш учун “калит” беради) ва шу билан бирга тегишли сўзларни таржима қилишда муаммо юзага келади. Сўзнинг эквиваленти умуман йўқ бўлади (масалан, рус тилидаги тоска, надрыв, авось, удаль, воля, неприкаянный, задумчивость, совестно, обидно, неудобно) ёки шунга ўхшаш эквивалент принципал жиҳатдан мавжуд, аммо у маълум бир сўз учун хос бўлган маънонинг таркибий қисмларини ўз ичига олмайди (масалан, душа, судьба, счастье, справедливость, пошлость, разлука, обида, жалость, утро, собираться) [22,15-16].

"Онтологик функция, бу муайян маданиятлар халқларининг дунёни англашига боғлиқ тафовутлардан келиб чиқади.

Семантик функция. Ушбу функциянинг мавжудлигини тасдиқлаш учун Л.Вайсгербер томонидан оламнинг лисоний манзараси тушунчаси берилган бўлиб, у тилнинг лексик тизими дунёқарашни ифодалашнинг катта имкониятларига эга деб ҳисоблаган. Семантик функция инсон онгида сўзнинг ўзгариши ва натижада у ифодалаётган маъно шу тил

ташувчиси учун типик қийматга эга бўлишига қаратилган [23,112].

Вакиллик функцияси тил ягона семиотик тизим сифатида оламнинг лисоний манзараси вакили эканлигини кўрсатади.

“Концепциянинг ижтимоий функцияси шундан иборатки, оламнинг лисоний манзараси маълум бир тарихий даврда тилнинг мавжудлиги ифодасидир. Илм-фан, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, олий ва ўрта таълим даражасининг ортиши оламнинг лисоний манзарасига таъсир қилади. Баъзи илмий атамалар профессионал тилдан умуммиллий тилга ўтади ва бу билан ҳеч кимга ноқулайлик туғдирмайди. Улар бу тилда шаклланиб, тил ташувчилари томонидан ўзлаштирилиб боради [24,10].

Олам лисоний манзарасининг коммуникатив функцияси шахслараро алоқа шаклидир. Шахслараро мулоқотнинг моҳияти тушуниш ва талқин қилишдир. “Тушуниш тилнинг бирлиги ёки ижтимоий ривожланиш даражаларининг ўхшашлигини, ақлий фаолият бирлигини англатади. Бир миллат лисоний манзараси доирасида тушунишга тил орқали эришилади, чунки у маданий бойликларни лексика, грамматика, идиомалар, мақоллар, халқ оғзаки ижоди, бадиий ва илмий адабиётларда ёзма ва оғзаки шаклларда сақлайди. Шундай қилиб, тил маданиятнинг миллий ўзига хос таркибий қисмидир” [20,19].

Табиий тил шу тарзда автоматик равишда дунёни моделлаштириш вазифасини бажаради: тил дунёни англаш тизимини моделлаштиради, бутун тил жамоасини бирлаштирувчи ўзига хос жамоа моделини яратади. Қисман, дунёнинг ушбу модели баъзи универсал категорияларни акс эттиради, аммо уни турли тиллардаги тил ташувчилари учун мутлақо бир хил деб қараш мумкин эмас, бу тил категориялари туфайли дунёни англашига олиб келади.

Бошқа томондан, оламнинг лисоний манзараси жуда содда бўлиб, муҳим муносабатларда у кўп жиҳатдан “илмий” тасвирдан фарқ қилади. Бундан ташқари, тилда акс эттирилган содда фикрлар асло асосиз эмас: кўп ҳолларда улар мураккаб ва қизиқарлилиги жиҳатдан илмий ғоялардан кам эмас. Масалан, инсоннинг ички дунёси ҳақидаги фикрлар минглаб йиллар давомида ўнлаб авлодларнинг интроспекцияси тажрибасини акс эттиради ва бу дунёга ишончли қўлланма бўлиб хизмат қила олади. Оламнинг содда тасвирида содда геометрия, макон ва замоннинг содда физикаси, содда

этика, психология ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин [20,10].

ОЛМ тушунчасини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу тушунча бир неча хил функцияларни жамлаган бўлиб, тил эгалари учун умумий жиҳатларнинг индивидуал фарқланиши билан характерланади. ОЛМ

борлиқнинг универсал категориялари тасвирида тил эгалари бир-бирларини тўғри тушунишлари ва бошқа лингвокультурологик маданият вакилларида фарқ қилувчи дунёқараш шакллантиришларида фундаментал аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Сафаров, Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Фан, 2008.
2. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988.
3. Серегина М.А. Понятие языковой картины мира в когнитивной лингвистике: аспекты и виды. // [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://tverlingua.by.ru/archive/006/section_3_6/3_3_6.htm - Дата доступа: 20.12.2019.
4. Поставалова В.И. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М., 1988.
5. Стернин И.А., Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М.: «АСТ – Восток – Запад», 2007.
6. Гумбольдт, В. Фон О различии строения человеческих языков и его влияния на развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984.
7. Lewis R.D. When Cultures Collide. – London, Nicholas Brealey Publishing, 2001.
8. Пивторак Е.И. Символика и семантика компонентов модели мира в русской традиционной культуре. – М.: Издательские решения, 2019.
9. Рядчикова Е.Н., Тарасенко С.В. Лингвокультурные принципы и способы отражения национального самосознания и национальной культуры в языке // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2: Филология и искусствоведение. – 2007. - № 2.
10. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, Универс, 1993.
11. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлениям языка. – М.: Наука, 1983.
12. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. уч. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001.
13. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988.
14. Макоедова Н.В. Языковая картина мира как лингвистическое понятие // Современные тенденции развития науки и технологий. – 2016. - № 10.
15. Ртищева О.В. Онтологические и гносеологические аспекты функционирования языковой картины мира: автореф. дисканд. философ. наук: 09.00.01 Кемеровский гос. ун-т культ. и искусств. – Кемерово, 2006.
16. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. уч. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001.
17. Ртищева О.В. Онтологические и гносеологические аспекты функционирования языковой картины мира: автореф. дисканд. философ. наук: 09.00.01 Кемеровский гос. ун-т культ. и искусств. – Кемерово, 2006.
18. Ртищева О.В. Онтологические и гносеологические аспекты функционирования языковой картины мира: автореф. дисканд. философ. наук: 09.00.01. Кемеровский гос. ун-т культ. и искусств. – Кемерово, 2006.
19. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. уч. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001.
20. Ртищева О.В. Онтологические и гносеологические аспекты функционирования языковой картины мира: автореф. дисканд. философ. наук: 09.00.01. Кемеровский гос. ун-т культ. и искусств. – Кемерово, 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)